

**КУРТАК ПАЙВАНД ҚИЛИШ МУДДАТИНИНГ ОЛМАНИНГ “ВИЛЯМС СПРАЙТ”
НАВИ КУРТАГИНИНГ ТУТИБ КЕТИШИ СИФАТИГА ТАЪСИРИ**

Матмусаева Гулираъно Араб қизи

АҚХАИ 1-босқич магистранти

Аннотация: *Мазкур мақолада ёзги олма навларининги Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехногоялари институти марказий тажриба хўжалигида олманинг ярим пакана ММ-106 пайвандтағларида интродукция қилинган навларнинг “нав-пайвандтағ” комбинациялари ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *Вилямс прайт Сўх гўзали нав пайвандтағ пайвандтуст мутанасоблик ММ-106 фенология, центнер*

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехногоялари институти марказий тажриба хўжалигида олманинг ярим пакана ММ-106 пайвандтағларида интродукция қилинган навлар пайвандланди ҳамда “нав-пайвандтағ” комбинациялари ўрганилади. 2020-2021 йилларда академик Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехногоялари институти марказий тажриба хўжалигида 27-контурида жойлашган 1,3 га ер майдонида олиб борилди. Участка денгиз сатҳидан 452 м. баландликда жойлашган бўлиб, тупроғи суғориладиган техник бўз, бўз тупроқ бўлиб, ерости сувлари 2,5- 3,5 м да жойлашган, тупроғи нейтралга яқин (рН-7,8).

Бўриев Х.Ч., Абдуқаюмов З.А. ва бошқалар “Мевали ва резавор мевали экинлар билан тажрибалар ўтказиш ҳисоблари ва фенологик кузатувлар методикаси”, Б.А. Доспехов “Методика полевого опыта”, И.А. Прохоров, С.П. Потапов “Практикум по селекции и семеноводству овощных и плодовых культур” услубий қўлланмалари асосида тажрибалар олиб бориладида

Дарахтларнинг ўсиш кучи, танасининг ҳажми, асосан, пайвандтағ ва навнинг ўсиш кучига ҳамда дарахтларнинг ўсиш шароитларига боғлиқдир.

Тажриба 3 қайтариқда ўтказилади. Майдонча 4 қаторли бўлиб, унинг ҳажми 36 м², ҳар қаторга 100 та ўсимлик жойлаштирилади. Озиқланиш майдони 90×10 см. Пайвандтағ ўтказилгандан кейин тутиб кетганлиги текширилади. Кузатишлар ва ҳисоблашлар дафтарига ўрганилаётган намуналар тўғрисида маълумотлар (номи, келиб чиқиши, қаламчалар олиш жойи, майдончаси №, каталог №.), фенологик кузатувлар биометрик кўрсаткичлари ва бошқа кузатув ишлари ёзиб борилади.

Стандарт “Сўх гўзал” навида 15 август куни куртак пайванд қилинганда ёзги текширишдан кейин аниқланган куртакларнинг тутган ҳолати 88,1% ни ташкил қилди. Барча куртакларни пайвандлаш муддатининг ўртача кўрсаткичи 89,8% ни ташкил этди. Ўрганилган пайвандлаш муддатлари куртакларнинг ёзги тутиб кетиши стандарт навнинг кўрсаткичларига яқин бўлганлиги кузатилди.

Стандарт “Сўх гўзал” навининг ёзги куртак тутиб кетиш кўрсаткичи 88,4% ни ташкил қилган бўлса, унга нисбатан 22,2%, 14,0% ва 9,6% га кам 15 июль ва 15 сентябрь кунлари пайвандланган муддатларида “Вилиямс прайт” навида кузатилди.

6 август куни куртак пайвандланган муддатда 87,6% ни ташкил қилди, бу кўрсаткич стандарт навнинг кўрсаткичларига яқин бўлганлиги аниқланди.

Стандарт навга нисбатан 9,6%, 6,5% ва 5,3% га кўп 4, 5, 6 ва 7 муддатларда куртак пайвандланган вариантларда кузатилди.

Кузги-қишки даврда нобуд бўлган куртаклар стандарт “Сўх гўзал” навида 4,1% ни ташкил қилди. 15 сентябрь куртакларнинг пайвандланган муддатидаги кўрсаткичи 8,9% и нобуд бўлди, бу кўрсаткич стандарт “Сўх гўзал” навига нисбатан 21,7% га кўп бўлганлиги аниқланди. “Вилиямс прайт” навида 15 ва 25 август муддатларида пайвандланган куртакларнинг кузги ва қишки даврда нобуд бўлиши 31,8 ва 24,4% га стандарт “Сўх гўзал” навига нисбатан кам зарарланганлиги кузатилди. 16 август ва 26 августда куртак пайванд қилинган муддатдаги куртакнинг нобуд бўлиши стандарт кўрсаткичларга яқин бўлди.

“Вилиямс прайт” навининг биринчи муддатида куртаклар пайвандлангандан сўнг келаси йили куртакларнинг тутган кўчатлари саноқ қилинганда, умумий соғлом куртаклар сони 81.7% ни ёки стандарт “Сўх гўзал” навига нисбатан 5.6 % аниқланди.

| т/р | Курта айвандлаш датлар | Ёзги лиришда ан аклар, | | Станда батан, % | Ёзги лиришда уд бўлган аклар, % | Кузги ки да уд ан аклар, | Жами уд бўлган вандуст аклар,% | Тутиб ан вандус аклар қий дори, | Станда батан, |
|-----|------------------------|------------------------|---|-----------------|---------------------------------|--------------------------|--------------------------------|---------------------------------|---------------|
| | | дон | % | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | |
|--------------|---------|------|-----|-------|------|-----|------|------|-------|
| | | | | | | | | | |
| Сўх гўзал | | | | | | | | | |
| 1 | 15/VIII | 44,2 | 92, | 100,0 | 11,6 | 4,1 | 15,7 | 84,3 | 100 |
| Вияямс прайт | | | | | | | | | |
| 2 | 25/VII | 39,4 | 78, | 89,4 | 21,2 | 3,1 | 24,3 | 75,6 | 89.5 |
| 3 | 05/VIII | 43,9 | 87, | 99,4 | 12,4 | 3,7 | 16,1 | 80,2 | 95.1 |
| 4 | 15/VIII | 48,3 | 96, | 109,6 | 3,4 | 3,8 | 7,2 | 89,0 | 105.6 |
| 5 | 25/VIII | 46,7 | 93, | 106,5 | 6,1 | 4,1 | 10,2 | 85,7 | 101.7 |
| 6 | 5/IX | 41,4 | 92, | 105,3 | 7,8 | 5,3 | 13,1 | 81,6 | 96.8 |
| Ўрта | | 44,9 | 89, | | 14.5 | 4.4 | 81,1 | | |

“Вияямс прайт” навида 05. 15, 25, август ва 5 сентябрь муддатларида куртак пайвандларнинг тутиб кетиши 99,4% дан 105,6% гача бўлганлиги кузатилди.

Бизнинг фикримизча, бу муддатларда куртакларнинг етилиши меъёрида бўлиши ҳамда куртаклар тутиб кетиш учун шароит яратилмаганлиги бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, олиб борилган илмий изланиш натижаларига кўра, олманинг “ Вияямс прайт” нави асосида интенсив боғларни барпо қилишда пайвандтагларга пайванд қилиш тадбирларини 15 августдан 5 сентябргача ташкиллаштириш мумкин экан.

ФҲЙДАЛАНИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бўриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва б. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т, 2014.

2. Рыбаков А.А., Остроухова С.А.“Ўзбекистон мевачилиги” Т.: Ўқтувчи 1981.

3. Услубий қўлланма “Мевалар, резавор мевали ва ёнғоқ ўсимликлари навларини ўрганиш усули ва дастури” И.В.Мичурин номли ББИТИ (1999)

4. Исраилов

Г.К. Химический состав и лежкость плодов интродуцированных сортов яблони